



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йиғирма икки йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам бarchамиз учун улуг, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртдошларимни, сизларнинг тим-солнингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойлиқларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни қўлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-этиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустақам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демокдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йиғирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиклолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми-ди?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ. Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустақам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳоли қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйламанки, ҳали-бери қўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқийша қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга гурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар қўлайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фойдидан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиклол йилларида ёқилғи-энергетика, галла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришгани-

миз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақдлар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқдор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омилли ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққиёт топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Хурматли юртдошларим!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилиқ ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва беларволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Мухтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилакларимизни изҳор этишга, уларнинг барчасига сўхат-саломатлик ва ишларига янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мана шу унутилмас давларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидойийлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга бекиёс ҳурматини билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, меннинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан қўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиған, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта гурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Мухтарам ватандошларим, қадрдонларим! Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бовида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Мустақиллик тўхфа қилинмайди. Жасорат ва матонат билан қўлга киритилади. Мустақиллик кунини халқимиз энг улуг, энг азиз айём, деб билади. Бу шонли санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг

йиғирма икки йиллигини кенг нишон-

ламоқдамиз.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафак,

ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб тароват бахш этган. Қўчаларни тўлдирган одамлар чироқлар нуридан шуъла-ланаётган муаззам майдон томон ошиқади.

(Давоми 2-бетда.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 август кунни Оқсаройда мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Эни Фалеомаваге ва Жеймс Патрик Моранни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан кутган экан, уларнинг Мустақиллик байрами нишонланаётган кунларда келгани мамлакатимиз тўғрисида, ўзбек халқининг бой маданияти, маънавий ва тарихий мероси ҳамда аънавалари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беришини таъкидлади.

«Парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва АҚШ таърибаси» мавзусидаги халқаро конференцияда АҚШдан нуфузли делегация иштирок этгани ўзаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганидан яна бир далолат бўлди.

Қайд этилганидек, ривожланиб бораётган парламентларо алоқалар Ўзбекистон-АҚШ мулоқотининг муҳим йўналишларидан биридир.

Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Учрашувда илғор АҚШ технологияларини жалб қилган ҳолда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни изчил ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Конгрессменлар Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этдилар, Самарқандда «Шарқ тароналари» IX халқаро мусика фестивали муваффақиятли ўтказилгани билан кутладилар.

Эни Фалеомаваге ва Жеймс Моран самимий қабул ва икки томон учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШда Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидладилар.

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Улар до давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-оқшошталлик, раванқ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Жумладан, йўлланган табрикларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритди, минтақавий ва халқаро ишларда фаол қатнашиб келмоқда.

Россия-Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида жадал ривожланиб бормоқда — хусусан, яқинда

Москвада бўлиб ўтган музокараларимиз бунни тасдиқлади. Аминманки, биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан сиёсий мулоқотни янада кенгайтиришни, турли соҳалардаги амалий ҳамкорлиқни қайта-қайта таъминлаймиз. Бу — Россия ва Ўзбекистон дўст халқларининг манфаатларига тўла мос келиб, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти
(Давоми 3-бетда.)

Аждодлар хотираси муқаддас

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари номинишонсиз қўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зийратгоҳга айлантирилди. 2000 йилда бу ерда «Шахидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуи қурибди. Мажмуа таркибиде «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ташкил қилинди. 31 августни Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлаш эзгу аънамага айланди.

Ушбу аънамага қўра 31 август тонгида «Шахидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Гувоҳнома №005414-05

Ирина БОКОВА:



Одамларингиз тарих, маданият ва урф-одатларингизни қадрлаши менда катта таассурот қолдирди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина БОКОВА «Шарқ тароналари» IX халқаро мусика фестивали Матбуот маркази учун интервью берди.

— 27 августда фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Сиз бевосита иштирок этдингиз ва Президентимизнинг нутқини тингладингиз. Сизда қандай таассуротлар пайдо бўлди ва умуман мусика фестивалининг ривожланиш босқичлари тўғрисида фикрларингизни билдирсангиз.

— ЮНЕСКО томонидан қўлаб-қувватлаб келинаётган маданий фестивалда қатнашиш менга хуш кайфият бағишлайди. Бу бизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳамиз. Бу йил ЮНЕСКО учун ўзига хос йил, номоддий маданий меросини асраш тўғрисидаги Конвенциянинг ўн йиллигини нишонлаймиз. Биз ҳар доим ЮНЕСКО маданий меросини асраш борасида қилинадиган саъйи-ҳаракатларни

бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» фестивали доирасида биргаликдаги ҳаракатларимиз ўзбек халқининг ўзига хос маданий меросини асрашга ҳисса қўшаётганини кўриш мени қувонтиради. Фестивалда 50 дан ортқ давлат вакиллари қатнашапти. Дунёнинг қўлаб давлатларида ўз анъаналарини бор гўзаллиги билан асрашга интилиш кучайиб бораётганига гўвоҳ бўлиб турибмиз.

«Шарқ тароналари» фестивалининг очилиш маросимида биринчи бўлиб қатнашган ЮНЕСКО Бош директори Эканлигимдан фахрланаман. Менда анъанавий ижрочилик, фольклорга бўлган эътибор катта таассурот қолдирди. Бу Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг табрик сўзида ҳам ифодасини топди. Бу байрам — ўзбек маданий меросининг тантанаси, биз ранг-баранг



кўнж қамровли, ранг-баранг концерт дастурини дунёнинг турли давлатларидан йилгиланг фестивал қатнашчилари катта ҳаяжон ва иштиёқ билан томоша қилишди.

— Сиз фестивалнинг тантанали очилиш маросимида миллий кийимингизда чиқдингиз. Бу барчани ҳайрон қолдирди ва ёқимли таассурот уйғотди. Либосни ўзингиз танлагингизми?

— Президентингизга ўзбек халқи ва унинг анъаналарига ҳурмат юксаклигини билдириш мақсадида шундай қилдим. Чиндан ҳам ўзбек миллий либоси жуда чиройли ва ахойиб тарзда тикилган. У менга ёқди, буни бошқалар ҳам сезганидан хурсандман.

— Кўп давлатларда бўлгансиз, Самарқанд Сизни нимаси билан ҳайратта солди?

— Албатта, ўқиш, суратларини томоша қилиш ва ўз кўзинг билан кўрган нарсани ўртасида катта фарқ бор. Самарқанд — ноёб шаҳар. Бу шаҳарда Амир Темури ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даврида бунёд этилган гўзал бинолар, мадраса ва масжидлар сақланиб қолган. Бу ерда ислом цивилизацияси тарихи, астрономия, фалсафа, адабиёт соҳаларида кашфиётлар

қилинган. Улар шаҳар тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шаҳардаги тарихий ёдгорликлар ҳайратга солди, аммо одамларингиз тарихингизни, маданият ва урф-одатларингизни қадрлаши менда катта таассурот қолдирди. Бу, менинг назаримда, жуда муҳим аҳамиятга эга. Одамларингизнинг миллий урф-одатларига амал қилиши, тарих ва маданиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиши мени ҳаяжонлантириб юборди. Мен ҳар доим таъкидлайман, агар одамлар ўз тарихини қадрласа ва унга мансублигини ҳис қилса, улар ўзга халқларнинг тарихига бағрикенглик билан муносабатда бўлади. Шу боис бу фазилатни барчада тарбиялаш керак.

— Ўзбекистондаги ёдгорликларни таъмирлаш борасида қандай ҳамкорликларга эришилди? Бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Биз биламизки, жуда кўп-кўп маданий бойликлар жойлашган Самарқандга ўхшаш катта шаҳарларда ўзига хос хусусиятлар бўлади. Бундай жойларда тарихий ёдгорликларга ҳам иқлим шароити, ҳам келиб-кетатган сайёҳлар таъсир ўтказётганини кўряпмиз. Бундан ташқари, ёдгорликларда табиий емирилиш жараёнлари кечади. Самарқандда ёдгорликларни асраш борасида катта ишлар қилинганга, бу ишлар давом этаётганига гўвоҳ бўлдик. Бу йўналишдаги ишларга катта аҳамият берилётганини ҳам кўрдик. Лекин ёдгорликларни, маданий бойликларни асраш бўйича барча масалаларни ҳал қилдик, деб бўлмайдим. Шу боис биз ёдгорликларни асраш, емирилишдан сақлаш ва уларни келгуси авлодларга етказиш борасида ҳукуматлар, маҳаллий ҳокимият ва экспертлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

— Фестиваль дастурига ижрочилар кўрмиги билан бирга илмий анжуман ҳам киритилган. Сизнингча, бу миллий



маданиятларни асрашда қандай ўрин тутади?

— Фестивалнинг катта ютуғи ҳам шундаки, унда илмий анжуман ҳам ўтказилди. Ҳозирги кунда номоддий меросни асраш билан чекланиб бўлмайди, бу йўналишда амалга оширилган ишларни ўрганиш ва тажриба алмашиш ҳам керак. Биз ЮНЕСКОдаги иш тажрибамиздан биламизки, меросни асраш номоддий меросни рўйхатга олишдан бошланади. Айрим давлатларда бу борада муаммолар юзга келмоқда, шу боис изланиш ва тажрибалардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Маданиятлар бир-бирига таъсир қилади, айрим урфлар қўшни давлат ёки минтақага таъсир ўтказиши мумкин. Шу боис биз етакчи ёки соф маданият бўлмайди деймиз. Ҳар бир давлатдаги маданият бошқа маданиятлар таъсирида шаклланиб, айниқса, Буюк ипак йўлидаги мамлакатлар маданияти бўйича ўтказилган изланишларда шунга эътибор қаратиш лозим. Бу борада Урта Осиё маданияти тарихи бўйича тақдим этилаётган долзарб лойиҳа-тадқиқотларни

қўлаб-қувватлаб келаяпмиз. Лекин халқаро ва минтақавий ҳамкорликларнинг ўз ўрни бор. Шу боис илмий анжуманлар дунёдаги миллий маданият тадқиқотчилари ва экспертлари учун катта манбадир. Айтиш мумкинки, бундай маданий ҳамкорликнинг ўрни беқиёс.

— Ташрифингиз давомида қўлаб мусиқий таълим муассасаларида ҳам бўлдингиз. Бундан қўзланган мақсад тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Мен кўпроқ санъат соҳасидаги таълимга эътиборимни қаратдим. Бу ишлар менда катта таассурот қолдирди. Тошкентдаги В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейини, болалар мусика ва санъат мактабини бориб кўрдим. Мусикани мактабдан бўш вақтда ўқиш тизими диққатимни тортди. Бу ЮНЕСКО вакиллари учун аҳамиятли, чунки биз кейинги вақтда бу йўналишдаги ишларга эътибор қаратаёلمиз. Мисол учун, биз ҳар йили санъат таълимига бағишланган ҳафталик ўтказамиз. Бу ёшларнинг маънавий, маданий ва эстетик бой-

лигини, билимини оширишга, дунёқараши кенгайишига, ижодий имкониятлари ривожланишига, иқтисодий юзга чиқишига ёрдам беради. Агар биз болаларда фикрлаш ва ишга ижодий ёндашиш қобилиятини шакллантирсак, бу кейинчалик уларнинг танлаган касбига ўз самарасини беради. Шахсий ва жамоат ишларида фойдаси тегади.

— Сиз Самарқанднинг тарихий жойлари билан бирга ўз анъаналарига эга бозорларида ҳам бўлдингиз. Таассуротларингиз қандай?

— Самарқанд — икки ярим минг йилдан зиёд тарихга эга бўлса-да, ҳамоно навқирон шаҳар. Бу ерда бозорнинг ўзига хос анъаналари сақланиб қолган. Турмуш ўртоғим билан бозордан қуруқ мева харид қилдик. Менга бозорда савдолашиш керак дейишди, бу ишни эплай олмайдим. Биз ҳаммаси бозордаги барча ширинликлардан татиб кўрдик. Улар жуда мазали экан.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Насиба СОБИРОВА
тайёрлади.

Наволарда тинчлик, дўстлик, эзгулик тараннум этилди

«Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюрган иштирокчилар учун ўз миллий санъатини намойиш этиш билан бирга, турли халқларнинг маданиятини ўрганишга имконият яратди.

Самарқандда 30 август куни «Шарқ тароналари» IX халқаро мусика фестивалининг тантанали ёпилиш маросими ўтказилди. Ғолиб ва совриндорларнинг номлари эълон қилинди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Самарқанд вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Махсус мукофот совриндорлари: Санам Марви (Покистон), Галит Гиат (Исроил), Таул Трини (Эстония), Нади Сингарура (Сингапур), Саломат Аяпов (Ўзбекистон), Кеннету Данкан (АҚШ).

3-ўрин: Абдор Зуфаров (Ўзбекистон), «Чикюша» гуруҳ жамоаси ва австриялик трио.

2-ўрин: «Пентан» гуруҳи (Буюк Британия), «Сорихвеон гаггеум беёнчанг» гуруҳи (Корея Республикаси), Хитой миллий опера ва драма театри жамоаси.

1-ўрин: «Садои Помир» гуруҳи (Афғонистон) ва «Ланая» гуруҳи (Буркина Фасо).

Гран-при совриндори — Рашид АГАРВАЛ Хиндистон фольклор жамоасининг хонандаси.

Ли Хёнг ХВАН, Хайъат аъзоси (Корея Республикаси):

— «Шарқ тароналари» жозибаси мени мафтун этди. Очишти маросимидан таассуротларимни фестиваль кундалигидан чиқишлар



янада бойитди. Уларнинг ҳар бири бетақор, қай бири қандай баҳо қўйишга ҳам ақлинг шошади. Тадбирнинг алоҳида ажралиб турадиган жиҳати, уни Регистон майдонида ўтаётганлигидир. Бунда рамзий маъно бор. Чунки мақсуд фестивал маданият ва анъаналар тарғиботида хизмат қилади.

Хатир Абдуллох МАХМУД, (Саудия Арабистони):

— Бу ерга келмасдан олдин Ўзбекистон, Самарқанд ҳақида интернет орқалигина билардик, фестивалга келгач, менинг тасаввурим бутунлай ўзгарди. Буюк тарихга эга Самарқанднинг Регистон майдонида бетақор истеъдод соҳибларини

кўрдим. Мусика йўналишида мени ўйлантирган кўпгина саволларга жавоб топдим. Бундай фестивалнинг ташкил этилганлиги ҳамда бизга кўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмондўстлик учун катта раҳмат. **Монти ЛОРЕМА,** (Италия):

— Фестиваль биз учун жуда катта аҳамиятга эга.

Унда биз нафақат иштирок этдик, балки ўзимиз учун жуда кўп янгиликлар очдик. Фестиваль шуқуҳи, шаҳар кўчалари, одамларнинг хушқайфияти юртингиз обод ва кўркам эканлигини кўрсатиб турибди. Буни мамнуният билан эътироф этмоқчиман.

— Ўзбекистонда миллий урф-одатларни сақлаб қолган ҳолда бошқа халқларнинг қадриятларига ҳам юксак ҳурмат билан қаралиши мени ҳайратта солди. Фестиваль давомида бошқа мамлакатларнинг санъати ва маданиятини кўрдик, ўргандик, жуда қизиқ бўлди. Ўз ўрнида биз ҳам ижод намуналаримизни намойиш қилдик.

Муҳаммад МУРОД САРХУШ, «Садои Помир» гуруҳи раҳбари (Афғонистон):

— Сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган қувонч ҳолат. Биз бу бетақор фестивалда иштирок этиш учун биринчи бор Самарқандга ташриф буюрдик. У санъатимизни намойиш этиш учун ахойиб имконият бўлди. Бундай кенг ва муҳташам саҳнада қўйлаш бахтига мушарраф бўлганлигимдан беҳад хурсандман.

Соломон ГОГАШВИЛИ, «Астродрожжия» гуруҳи раҳбари (Грузия):

— Биз Ўзбекистон ва унинг тарихини жуда яхши биламиз. Дунёнинг энг қадимий шаҳарлари бўлган Рим, Бобил тенгдоши бўлган

Самарқанд қадимдан маданият маркази бўлиб келгани ҳам бизга маълум. У азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган. Бу ердаги тарихий обидалар биз учун ҳайратланарли.

2011 йилда Самарқандга меҳмон бўлиб келганимда фестивал ҳақида эшитгандим. Бу йилги фестивалда жамоамиз билан Грузиянинг энг машҳур сара композициясини ижро этдик. Кўпчилик биздан рақс сўрашади. Лекин қўй-қўшиқларимизнинг ҳам ўз сеҳри борлигини кўрсатгимиз келди.

Муҳаммад АЛБАНДА, созанда (Саудия Арабистони):

— «Шарқ тароналари» мусика фестивалида тарихий обидалар атрофида қўйлаш менга завқ бағишлади. Гўё ўзимни минг бир кеча эртақларидаги султонлар каби ҳис этдим. Самарқандда биринчи марта бўлишимга қарамай, унинг жуда бой тарихи, маданияти ва санъатини кўрдим, ўргандим. Биз ушбу фестивалда иштирок этаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Ушбу танлов халқларни бир-бири билан дўстлик, инوқликка чорлайди. Кейинги фестивалларда ҳам иштирок этиш ҳаммаимизга насиб этсин.

Альбина ЖУМАНОВА, Насиба СОБИРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musliliddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madrasiyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ilmiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoechilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

t — 946

Nashr ko'rsatkichi — 220

10485

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 02.12

Topshirilgan vaqti — 03.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchesi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

777010763008

2345